

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусаҳҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

А. Акбаров Ҳайнрих Ҳайне ва аёллар.....	94
Г. Орипова Ўзбек шеърлятида ижровий лирика тарихи ва тадрижи.....	101
О. Барзиев Фарғона номи билан боғлиқ анъанавий поэтик туркумлар.....	108
Д. Турдалиев Ўзбек достончилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари.....	114
Ю. Каримова “Лисонут-тайр” достонида бадиий тасвир усуллари ва ифода воситалари.....	123
Д. Муратова XX аср ўзбек ва корейс ҳикояларида ота-она ва фарзанд муносабатларида оилавий кадриятлар тасвири.....	127

ТИЛШУНОСЛИК

А. Мамажонов, А. Саминов Сўз бирикмаси қисмларида семантик мутаносиблик ва номутаносиблик.....	133
М. Мамажонов Диалогик дискурда антропонимларнинг коммуникатив-функционал хусусиятларига доир.....	138
Р. Ахророва Ўзбек ва француз тилларида эрта ёшлик “jeunesse”нинг лексик-семантик ифодаланиши.....	144
Х. Қодирова Хоразм шеваларида ўзлашма сўзлар асосида шаклланган айрим лақаблар.....	148
Ҳ. Дўсматов Ўзбек миллий сўз ўйинлари турлари ва талқини.....	152
Ш. Шокиров, Д. Қозоқбоева Инглиз тилида “ear – кулоқ” семасига алоқадор бўлган сўзларнинг семантик хусусиятлари.....	159
Т. Яндашова Бадиий матнда “гўзаллик” концептини ифодаловчи фонетик-фонологик воситалар лингвопоэтикаси.....	163
Г. Тожиева Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида маънавий-маърифий тушунчаларни ифодаловчи атов бирликларининг тавсифланиши.....	168
З. Раджабова Ўқув фразеографияси лексикографиянинг махсус бўлими сифатида.....	173

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Х. Турсунов, Ю. Минаматов, И. Мўминов Замонавий таълимда компьютер ўйин элементларидан фойдаланишнинг педагогик муаммолари ва ечим тавсиялари.....	182
М. Каримова, З. Арипов, М. Оламова Педагог ва талаба ёшларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг омиллари ва усуллари.....	189
С. Умаров Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг илмий-педагогик имкониятлари.....	193
С. Аъзамов Тўқимачилик ва енгил саноат соҳаси терминларини тартибга солиш.....	197

УДК: 81`38:398.9(575.1)(043.3)

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ СЎЗ ҲИШЛАРИ ТУРЛАРИ ВА ТАЛҚИНИ

ВИДЫ И ИНТЕРПРЕТАЦИЯ УЗБЕКСКОГО НАЦИОНАЛЬНОГО КАЛАМБУРА

TYPES AND INTERPRETATION OF THE UZBEK NATIONAL PUN

Дўсматов Ҳикматулло Ҳайтбоевич¹¹Дўсматов Ҳикматулло Ҳайтбоевич*- Фарғона давлат университети, тилшунослик кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)***Аннотация***Мақолада ўзбек миллий сўз Ҳишлари, уларнинг турлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Жумладан, сўз Ҳишларининг тил сатҳларида намоён бўладиган “фоностилистик Ҳиш”, “фонографик Ҳиш”, “лексик-семантик Ҳиш”, “морфологик Ҳиш”, “синтактик Ҳиш” каби турлари лингвостилистик жиҳатдан таҳлилга тортилади.***Аннотация***В статье рассматриваются узбекские национальные виды каламбура и их особенности. В частности, лингвостилистическому анализу подвергаются такие виды каламбура или игры слов, как “фоностилистическая игра”, “фонографическая игра”, “лексико-семантическая игра”, “морфологическая игра”, “синтаксическая игра”, проявляющиеся на языковых уровнях.***Annotation***This article focuses on the Uzbek national word clench as pun, its types and specific features. In particular, such types as “phonostilistic pun”, “phonographic pun”, “lexical-semantic pun”, “morphological pun”, “syntactic pun”, manifested in the language levels are subject of analysis from a linguistic point of view.***Таянч сўз ва иборалар:** ўзбек миллий сўз Ҳиши, сўз Ҳиши, аския, каламбур.**Ключевые слова и выражения:** узбекский национальный вид игры слов, игра слов, аския, каламбур.**Key words and expressions:** Uzbek national type word clench, clench, askiya, pun.

Сўз Ҳиши бадий-эстетик вазифа юклатилган сўзларнинг Ҳиш характеридаги комбинацияларидир. Сўз Ҳиши – кенг қамровли лингвистик ҳодиса; турлича тушуниш, изоҳлаш ва талқин қилишга йўналтирилган шаклий ва мазмуний Ҳиш. Сўз Ҳиши қизиқарли ҳосила бўлиб, ўзининг экспрессив-эстетик жиҳатлари билан тингловчининг эътиборини ўзига жалб қилади. Унинг юзага келиши инсон руҳий олами, тушунчалари ва лингвистик маҳорати билан боғлиқ.

Ўзбек тили сўз Ҳишларига бой тил ҳисобланади. Ижодкор Темурбек Тўрабоев биргина “Т” ҳарфини ишлатиб, бутун бошли асар ёзганлиги кўпчилик эътиборини тортди. Адабиётшунос олим Суюн Каримовнинг сўзларига кўра: “Унинг романида 1571 сўз 6166 сўз шаклда 15146 марта қўлланилган. Ўзбек тилининг

изоҳли луғати беш жилдлигида “т” товуши билан бошланувчи 2684 та сўзга дуч келдик. Бу ерда гап сўзлар нисбатининг тенг келган ёки келмаганлигида эмас. Муаллиф она тилимиздаги “т” билан бошланувчи луғатдаги барча сўзлардан фойдаланмагани аниқ. Гап муаллифнинг мавжуд сўзлардан қандай фойдаланганлигида, уларнинг бадий-эстетик имкониятларини қай даражада юзага чиқара олганлигида. Айни пайтда, “изоҳли луғат”да учрамаган сўзларни қадимги тилимиздан, шеваларимиздан олиб, уларни бадийят майдонига дадил олиб кирганлигида ва уларга ҳам маълум маънода бадий-эстетик вазифа юклай олганлигида”[1].

Сўз Ҳишига асосланган ушбу асардан намуна: “Тепалаётган тўпни тутолмаслигини тушунган тўпўрар тўпни тутушига тутинмади. Тили-

ТИЛШУНОСЛИК

тилига тинмай тушунтирарди, тили тили-ла тиллашарди. Тугунни тушураверди... Тутамлари тугунни тутолмади. Тўхтабунинг тутамидан тунган тутун тумалади. Тўхтабу тугунни тутушга тутинмади".

Ўзбек миллий сўз ўйинлари тадқиқотчи Ҳ.Дўсматов томонидан аския жанри мисолида монографик тарзда ўрганилган [11;12;13].

Ўзбек миллий сўз ўйинларини дастлаб 2 турга ажратиш мумкин: а) шакл билан алоқадор сўз ўйинлари; б) мазмуний сўз ўйинлари.

Шакл билан алоқадор сўз ўйинларига кроссворд, сканворд, ребус, мувашшаҳ ва ҳ.к.ларни киритиш мумкин. Мазмуний сўз ўйинлари матн семантикасига алоқадор кўпталқинли ахборотдан иборат бўлади ва улар нутқий комбинация ҳосиласи ҳисобланади. Бу каби сўз ўйинларини табиати ва вазифасига кўра: а) "Ўйла, изла, топ!" тамойилига асосланган сўз ўйинлари (топишмоқ, чистон, муаммо, тарих жанрлари); б) экспрессив-эстетик вазифа юкланган сўз ўйинлари (турли нутқ кўринишларида: бадий, оммабоп, аскиячи ва қизиқчилар нутқи ва ҳ.к.) каби турларга ажратиш мумкин.

Шунингдек, сўз ўйинларини тил сатҳлари доирасида қуйидаги турларга ажратиш мумкин: "Фоностилистик ўйин", "Фонографик ўйин", "Лексик-семантик ўйин", "Морфологик ўйин", "Синтактик ўйин".

"Фоностилистик ўйин" – фонетик воситалар ёрдамида амалга ошириладиган сўз ўйини. Маълум бир нутқ товушини атайлаб ўзгартириш билан турли мақсадларни ифодалаш мумкин: **ЯШАСИН ДИМАКРАТИЯ!** (демократия сўзининг **и** ва **а** унлиси ўзгартирилиб, блогер Дима Қажум ҳокимияти, деган ахборот ифодаланган: Дима – Дима Қажум, кратия – ҳокимият)

Аллитерация ҳам ушбу йўналишдаги сўз ўйинининг бир тури бўлиб, у бадий, сўзлашув ва оммабоп нутқ услубида қўлланади:

Али: **Бугун Баҳодир боққа бормай бобосиникига бордим, бозорга бордим?**

Вали: **Бугун Баҳодир бобосиникига бормади, бозорга бормади. Баҳодир болалар билан бирга Бағдодга борди.**

Али: **Баҳодирга Бағдодда бало бормикан?**

Вали: **Бало борми билмадим-ку, Баҳодир Бағдодга бот-бот борадиган бўлди.**

Али: **Бир балоси бордирки бот-бот Бағдодга боради. Билмадингми?**

Вали: **Билмадим. Болалардан биргина Бобур биларкан.**

Али: **Бобурдан сўраб кўр-чи.**

Вали: **Ютқаздинг!**

Мумтоз адабиётимизда ҳарфий санъатлар (муаммо, истихроҷ) бадий тасвир воситаси сифатида қўлланганлиги [3], уларда фоностилистик воситаларнинг аҳамияти катта эканлиги маълум. Ушбу санъатга асосланган сўз ўйинлари бошқа тилларда ҳам мавжуд. Француз олими М.Бернаскони яширинган сўзни топишга асосланган еттита жанр борлигини айтади (M. Bernasconi, "Histoire des enigmes", Paris: PUF, 1964). Улар бир сўзнинг бошқаси билан алоқаси, оҳангдошлиги, этимологияси, ҳарфлар ва товушлар сони билан боғлиқ. Бу сўз ўйини француз тилида "griphos" – ҳарф сўзидан олинган логгриф, деб номланади. Логгриф қадимдан маълум адабий ўйин бўлиб, бир сўзга ҳарф қўшиш ёки ундан ҳарф айириш орқали янги сўз ясалади. "Алишер Навоий муаммолари" (Париж, 2006) китобини нашр эттирган франциялик Реми Дор италиялик бир кишининг дўстига ёзган хатидаги логгрифни келтиради: "mitto tibi navem proga puppique carentem" – "мен сенга тумшуксиз ва қуйруқсиз кема юборяпман". Лотин тилида кема "navem" дейилади. Унинг тумшуги -n ҳарфини ва қуйруғи -m ҳарфини олиб ташласак, ave – салом сўзи ҳосил бўлади.

Сўз ўйинининг мураккаб шакли ҳисобланган муаммо санъатини Реми Дор мураккаб, мавҳум, ноаниқ бир оламга қиёс этган. Унинг сўқмоқлари кўп-у, бироқ кўзга ғира-шира кўринади. Бу жанрда шоир ўз ғояларини шунчалар қисқа, лўнда ифодалайдики, дабдурустдан бирор маънони англаб бўлмайди. Муаллиф кўпроқ муаммо ечимини кўрсатади-ю,

ечиш усулларини сир тутати. Бунда ўқувчига ҳам, таржимонига ҳам пухта билим ва кенг дунёқараш қўл келади. Шунинг учун Навоий даврида муаммо шоирлар маҳоратини баҳолаш мезони саналган, жамият аъзолари учун эса ақлни чархлаш, фикрни такомиллаштириш воситаси бўлган.

“Фонографик ўйин” – фонетик ва график воситаларга асосланган комбинациялар.

Тазарру

*Онгимда кўзғалган ўйлардан,
Йиғлайман инграниб нетайин,
Роҳатни устадим майлардан,
Топмадим илинжлар қайтмайин [8].*

Шеърда фонографик восита: пастдан юқорига қараб, тўртликнинг ҳар бир сўзи бош ҳарфларини териб олиш билан «Қитмирни йўқот», деган яширин кўрсатма юзага чиқади. Кўринадики, сўзловчи баъзан сўз ўйинидан махфий ахборот етказиш, сирли мақсадини амалга оширишда ҳам фойдаланиши мумкин.

Бу каби сўз ўйинлари **тавших**, **мувашшаҳ** деб юритилади. **Тавших** шеър мисраларининг бошида ё ўртасида бир неча ҳарф ёки сўз келтиришни назарда тутувчи санъат номи бўлиб, у ҳарф ёки сўзларни қўшиб ўқилганда, киши номи, бирон сўз, бир ёки бир неча мисра, байт ёки шеър ҳосил бўлади. Шундай бадиий асар эса **мувашшаҳ**, деб аталади [9]. Бу анъанавий санъат Аъзам Ўктамнинг “Ҳаракат” шеърида ҳам учрайди:

Қаршилиқ. Қамоқ, Қийноқ, Қасос. Қилич. Қалқон. Қуюлади қон қайноқ. Қаттол. Қаттиқ. Қатағон.

Ўлар. Ўкирар. Ўйлар. Ўпирилар. Ўртанар. Ўнганар. Ўқир. Ўйнар. Ўсар. Ўтар. Ўрганар.

Қувонч. Қаҳат. Қотади. Қора қисмат. Қайғу. Қон. Қадим қудрат қайтади, қайтади қачон, қачон, қачон?

Олиш. Отиш. Ободлик. Оғир ожиз оламга. Омонлиг-у озодлик омонатдир одамга.

Нотиқлар номард, нокас. Нечун нолиш, насиҳат? Нажот-норози нафас. Нафрат-насиба неъмат.

Мазкур насрий шеърда **“Қўқон”** атамасининг яширинганини кўриш мумкин. Бу, ҳар бир мисра бошидаги

биринчи ҳарфларни қўшиб ўқилганда ойдинлашади.

Юқоридаги шеърда аллитерация ва ассонанслар асосида тавшиҳ санъати ҳосил бўлган. Таъкидлаш лозимки, шоирнинг бу санъатни қўллашдан мақсади фақатгина сўз ўйини бўлиб қолмай, бир мавзу остидаги сўз, гап ёки содда гапларни инверсия усулида ишлатиб, маънони ҳаддан зиёд бўрттириб кўрсатишга интилишдан иборат. Ўзбек тили луғат тизимидаги сўзларнинг таркиби ва семантик майдонидаги ранг-баранглик тавшиҳ санъатига асосланган шеърнинг муваффақиятини таъминлаган. Тавшиҳ санъати ўзбек мумтоз адабиётида кўп қўлланилган. Бу усул билан шоирлар бадиий мисраларга ўз суюқлисининг, бирор тарихий шахснинг ёки дўст-биродарининг ва бошқаларнинг номларини яширин тарзда ифодалашган.

Сўз ўйинининг учта асосий жиҳати эътиборга олиниши лозим. Булар яширин ифода, экспрессивлик-эстетик жиҳати ҳамда комик хусусияти. Сўз ўйинларининг айрим турларида “яшириб” ифодалаш етакчилик қилади. Буларга, юқорида таъкидланганидек, муаммо, мувашшаҳ, чистон кабилар ёрқин мисол бўла олади.

Фонографик сўз ўйинидан публицистика соҳасида сарлавҳаларда унумли фойланилади. Чунки сарлавҳалар ярим мақола бўлиб, унда санокли сўзлар ёрдамида асосий ахборотни, муносабатни ифодалаш алоҳида маҳорат талаб этади ва бунинг учун, кўпинча, турли хил ранглардан, фонографик ишловлардан фойдаланилади:

«Ўзбекистонда ер сотиладими?».

AVTOritet

Бу каби сўз ўйинлари кўп тилларда учрайди:

УРОЛОГИЯ.

I ♥ Fergana. I ♥ Kamalak.

“Лексик-семантик ўйин” – лексик воситалар ёрдамида ҳосил қилинадиган сўз ўйини. Бир қатор турлари мавжуд:

“Полисемантик ўйин” – кўп маъноли сўзлар ёрдамида сўз ўйинлари қилиш приёмидир. Олим Ҳ.Раззоқов полисемик, омоним сўзлар сўз ўйинларида фаол иштирок этиши,

ТИЛШУНОСЛИК

сўзлардаги бу нозик фазилат сўзларни истаганча «ўйнатиш», бир гапда сўз ва мантикий урғулар жойини ўзгартириш, инверсиялар ҳосил этиш орқали бир неча хил маъно чиқариш имконини беришини алоҳида таъкидлайди [7]. Кўринадики, кўп маъноли сўзлар нутқнинг ифода имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашувчи восита ҳисобланади. Масалан,

- *Қизлар келишдимми?* – деган саволга

- *Келишгани келишди.* – дея жавоб берган устоз аскиячиларимиз.

“Омонимик ўйин”. Омонимия ҳодисаси тилшуносликда жуда кенг тадқиқ этилган бўлиб, омоним сўзлар ёрдамида сўз ўйинлари ҳосил қилиш энг сермахсул усул ҳисобланади. Тилшунослар томонидан омоним ва омоформалар аския жанрига хос тажнисни таъминлаши, услубий восита сифатида бадий асарга ҳусн бағишлаши [2], улардан ўринли фойдаланиш аскиячиларнинг маҳорати саналиши алоҳида таъкидланади [6]. Бу фикрлар Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов, атоқли тилшунос олим А.Нурмоновлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилган: «ўзбек тилининг асосий фазилати – шаклдош, кўпмаъноли сўзларга бойлиги сўз ўйинини, аския санъатининг, шеърятда туюқ жанрининг ривожланишига имконият яратади» [6;9]. Масалан:

Бўрини теп, тишлаб от,

Тойчоғим, сен отсан, от! (Бола тарбияси. Иқбол Мирзо)

Ота-онам тинмай ер,

Туғаб қолмасмикин Ер.

(Чувалчангинг ҳайрати. Иқбол Мирзо)

Даврага елдан бурун

Суқилиб кирди бурун. (Турна. Иқбол Мирзо)

Туюқ омонимларга асосланганлиги сабабли туркий тиллардаги адабиятларга хос лирик жанр ҳисобланади, чунки Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайин”да тўғри исботлаб берганидек, туркий тиллар омоним сўзларга бойлиги билан ажралиб туради. Шу боис, сўз ўйинининг омонимларга асосланиши миллий ўзига хослик касб этади. Бундай сўз ўйинлари воситасида муайян фикр

ихчам шаклда, таъсирчан, гоҳо юмористик тарзда ифодаланади.

“Диалектал ўйин” – сўз ўйинлари учун шевага оид сўзлардан фойдаланиш. Масалан:

– Қатта Руставели?

– Шотта Руставели!

Ушбу мулоқотда ёзувчи Шота Руставели исмидаги Шота сўзи Тошкент шевасидаги шотта (шу ерда) сўзига монанд талаффуз қилиниши сўз ўйини воситаси сифатида фойдаланиш учун сабаб бўлган.

“Антонимик ўйин” – контекстуал антонимлар воситасида сўз ўйини қилиш. Масалан, сўз устаси Ғафур Ғулом бир ўринда *академик* сўзига қофия қилиб *укадемик* сўзини қўллади ва натижада окказионал антонимик ҳосила вужудга келади.

“Пароним сўзлардан фойдаланиш ўйини” – сўз ўйинининг бу тури услубий-поэтик восита сифатида кўп учрайди. Бунда талаффузи ўхшаш бирликлардан сўз ўйини чиқарилади. Сўзларни муайян бир мақсад билан бузиб талаффуз қилиш билан бетакрор сўз ўйинларини ҳосил қилиш мумкин. Бунинг натижасида нутқий вазиятда геминация (ундошларни қаватлантириш), графон каби ҳодисалар юзага келади:

Режиссёр тағин елкам қоқди.

– ***Барра калла, барра калла!*** – деди.

Режиссёр елкам қоқа-қоқа мени машина тараф жўнатди.

Мен йўл-йўлакай раисимиздан сўрадим:

– Раис бова, режиссёр нима деяпти?

– *Баракалла деяпти, баракалла.*

– *Баракаллани шундай дейдими?*

(Т.Мурод, “Отандан қолган далалар” романи).

“Морфологик ўйин” – сўз ўйинлари ҳосил қилишда қўшимчалардан фойдаланиш приёми. Морфологик ўйин комбинациясининг қатор усуллари мавжуд: а) нутқий табдил усули; б) атоқли отлардан фойдаланиш; в) атамалар усули; г) қўшимчалар усули.

А. Нутқий табдил усули билан лисоний бирлик бошқа окказионал

бирликка айлантирилади. Масалан, **“МАГИСТРАХалТУРА”** сарлавҳали мақоланинг сарлавҳасида салбий муносабат сўз ўйини асосида ифодаланган. Бундай вазиятда баъзан нарсаанинг бажарадиган вазифасига асосланиб, янги нутқий бирлик ўйлаб топилади:

*Ушбу расмни **БАШАРАБУКдан (Фейсбук)** юборишибди. Ҳой, тиниб тинчимаган одамларэй. Нималарни ўйлаб топишмайди-я. (Раис бува ижтимоий тармоғидан)*

Б. Атоқли отлардан фойдаланиш антономазия дейилади. Антономазия – атоқли отлардан алоҳида мақсадларда фойдаланиш бўлиб, сўз ўйинининг бундай тури турли кўринишларда намоён бўлади. Улардан бири асар номларини матн таркибига сингдириш:

Салом, “Севгилим-севгилим”, “Юлдузли тунлар”да оромимни ўғирлаган “Сарвқомат дилбарим”! Сизга мактуб битишимга “Бўрондан кучли” бўлган оташин “Муҳаббат” сабабчи бўлди. Мана, “Қирқ беш кун”дирики, тунларим бедор. Ниҳоят, адоғсиз “Ҳижрон кунлари”да сизга илк бор нома битаяпман... (*Ошиқ китобхон мактуби, ижтимоий тармоқлардан олинди*)

Киши исмларидан ҳам сўз ўйини мақсадларида фойдаланиш мумкин. Масалан, *Олди Соттиев*.

Баъзан ёзувчи ва шоирлар асар номларини, асар қаҳрамонлари исмини сўз ўйини тарзида берадилар: Отабек – Кумуш, Анвар – Раъно (Отабек – Кумуш: к ҳарфи билан тугаб, шу ҳарф билан бошланган; Анвар – Раъно: р ҳарфи билан тугаб, шу ҳарф билан бошланган. *Й.Солижонов*); ёки “Икки карра икки – беш” (комедия, Комил Аваз);

“Атамалар ўйини” бирор-бир соҳа атамалари билан амалга ошириладиган сўз ўйини ҳисобланади:

Исҳоқжон: Келинг, бировнинг *кўчирма* гапига можаро қилиб ўтирмайлик, яна сизнинг *феълингиз* бузилиб қолмасин.

Ғанижон: Қизиқсиз-а, менинг *феълим* ҳар нарсага бузилаверадими?

Нима, менинг *феълим ўтган замон феълими*ди!

«Тил» пайрови.

Сўз ўйинларининг сўз туркумларида ифодаланишига эътибор қаратсак, сон сўз туркуми билан алоқадор сўз ўйинларини ҳам учратамиз: *Бир ярим қуён, Уч тулки, Тўққиз сизир, Беш эчки, Ўн икки туя, Ўн йилқи.* Ушбу топишмоқ жанридаги сўз ўйинида хаёлимизни рақамлар эгаллайди. Нега қуён бир ярим ёки туя ўн икки бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Кейин рақамларни қўшиб, бирор натижага эришмоқчи бўламиз. Аслини олганда эса, муаммо ойни аниқлаш билан ечилади: қайд қилинган ҳайвонларнинг неча ойда туғишини билиб оламиз. Ёки “Ойчинор” достонида ёш Ойчинорга уйланмоқчи бўлган Назарбойдан қиз қалин эвазига “Ўнта қўзи, йигирмата бўри, ўттизта арслон, қирқта қоплон, элликта айғир, олтмиш бешта ахта, саксонта сарка, тўқсонта тахта...” талаб қилади. Бўри, арслон, қоплонни топишга қурби етмаган бой дoston қаҳрамонларидан бири – Бобурдан ёрдам сўрайди. Назарбой Бобурга бир бева хотинга уйланмоқчи эканини айтади. Шунда Бобур бойнинг гапларини мулоҳаза қилиб, унга ёлғон гапирганини, уйланмоқчи бўлган аёли бева эмас, қиз эканини айтади. Ўз фикрини исботлаш учун йигит ўн ёшида қўзидай, йигирмада бўридай, ўттизида арслондай, қирқта қоплондай, эллигида айғирдай, олтмиш бешда ахтадай, саксонда саркадай, тўқсонда тахтадай бўлишини мисоллар билан исботлайди. Шунда Назарбой чоллигини ҳам, қизбола Ойчинорга уйланмоқчи бўлганини ҳам тан олади.

Кўринадикки, ушбу матнда ўхшатиш ва метафорага асосланган ечим сўз ўйини тарзида берилган. Бу эса тингловчиларни топқирлик, зайракликка ундайди.

“Синтактик ўйин” – синтактик алоқага асосланган нутқий ўйин.

Сўз ўйинининг **“Матнга ҳавола киритиш усули”** ҳам мавжуд бўлиб, ушбу усулнинг турлари қуйидагича: 1. Нутқда атамалар (асар, қўшиқ, кино, кўрсатув номлари ва ҳ.к.)ни ҳавола сифатида

ТИЛШУНОСЛИК

қўллаш. 2. Матнга барқарор бирикмалар (ибора, мақол, маталлар)ни киритиш. 3. Матнга бирор-бир воқеа-ҳодисани илова қилиш. Масалан:

Ёдгор ака: Яхшимисиз, «Муқаддас»хон?

Муқаддасхон: Келинг, Ёдгор ака, «Мен қишлоқда яшайман», деб кўринмай кетдингиз?

Ёдгор ака: «Нур қидириб» юрибмиз-да.

Муқаддасхон: «Опасингиллар»ингиз тинчми?

«Асарлар» пайрови.

Матнга ҳавола киритишнинг энг сермаҳсул тури – бу, «**Атамалар ўйини**». Атамалардаги «ўйин имконияти» (лисоний бирликнинг сўз ўйинига мойиллиги, хосланганлиги) ҳамда бирдан ортиқ ахборот ифодалай олиши жиҳатини илғаб олиб, ундан услубий восита сифатида ўринли фойдаланиш сўзловчидан мушоҳада, мулоҳаза, лингвистик тажриба ҳамда ижодкорликни талаб этади. Мисол:

Охунжон: Эркинбой ака, ҳамма сизга назар соляпти, ҳадеб *шоҳона* юришлар қилаверасизми, бирор марта *пиёда* юриб кўйсангиз-чи!

«Шахмат» пайрови.

“Синтактик омонимия” ўйини.

Синтактик бутунликларнинг омонимлик муносабатга киришуви тилшунослиқда синтактик омонимия термини билан изоҳланади. Ўзбек тили стилистикаси тадқиқотчиларидан Э.Қиличев синтактик омонимиянинг аския матнидаги ролига тўхталиб: «Шакллари бир хил, аммо мазмуни турлича бўлган сўз бирикмалари ва гаплардан бадиий тасвирда сўз ўйинлари, аския, баъзан қулги яратиш учун фойдаланилади», дейди. Синтактик омонимлар ҳам лексик, фразеологик ва морфологик омонимлар каби нутқда услубий маънонинг юзага чиқиш – бир шакл доирасида турли мазмун қирраларини ифодалаш имконини беради. Масалан:

Кўрдим икки тоғ ора,

Сув лим тўла тоғора. (Шаҳарлик каптар самовар ҳақида. Иқбол Мирзо)

Бир сўз асосида шакллантириладиган сўз ўйини ҳам мавжуд бўлиб, унда турли сўзлар

таркибида эҳтимолий мавжуд бир сўз асос қилиб олинади ва асосда матн тузилади:

Тил ёхуд **тилсимланган** насиҳат

Нима **тила** ёки **тилама тилингдан** топадирсан! **Тилингдан** тутиласан! Ҳозир шуларни ўқиётган бўлсанг, бошқача **тилда** гапирсам ҳам, бошқача истилоҳ ишлатсам ҳам, Сенга тилмоч орқали ўқитилса ҳам **тилдан** холи бўлолмайсан! Аввал **етиласан**, кейин **тилла** топгандай унга қараб **отиласан!**

...Сенинг бу аҳволинг кўриб кўксим **тилим-тилим** бўлиб **тилинди**, қалбим ситилди, юрагим **тилка-пора** бўлди. Сен шулар учун **яратилган**мидинг?! **Айтиладигани айтилди**, тугатилди.

(Шукур Жаббор, <http://m.factbook.com>permalink>).

Бундай усулдан аскиячилар ҳам фойдаланишади ва натижада “Бир сўз асосига шакллантириладиган аскиялар” вужудга келади:

Айнидин ака: Тарк этмасдан дорда «ҳа, ҳа» деб турсангиз, ўша ҳам туяга **мадор-да**.

Фозилжон: Сотволди ака, халқ ичида юришингизни кўрганлар баҳо беришяпти: «Бу жуда тақводор!», деб.

Жалолiddин: Юқорига чиқмаса чиқмасин. Биласизлар-ку, бу жуда жаҳлдор. Яна бирортасини устига лангарни тушириб юбориб айбдор бўлмасин.

Сотволди: Фозилжон, бошқалар дорда ўйин намойиш қилса, бир чеккада ўйнамайсизми, сизда иқтидор бор-ку.

Фозилжон: Айниддин ака, Жалолiddинни таклиф қилсак, иккита тошни қўлида, биттасини оғзида тишлаб, бир ўйин кўрсатсин-а, ишимиз жуда самарадор бўларди-да.

“Дор” пайрови.

“Ўхшатишга асосланган сўз ўйини” ҳам мавжуд бўлиб, унда сўзловчи тингловчи учун топишмоқ мазмунидаги ечимни қўяди: “*Тун тумор тақди*” (*кечаси осмонга ой чиқди*).

Чистон, топишмоқлар ҳам топқирликка асосланган сўз ўйинлари ҳисобланади. Топишмоқларда

қўлланадиган бадиий санъат истиора (метафора) ҳисобланади. Масалан: *Қолча, Қолча ичида унча, Унча ичида*

устунча. Бу матнда яширинган нарсанинг учта белгиси учта метафора асосида берилган. Матнда жийда ҳақида гап кетаётганини топган киши фикрий мусобақада ғолиб бўлади. Яширинган нарсанинг фақат кўриниши, хусусиятлари ҳақида маълумот берилади, лекин ҳеч нарсанинг номи қайд этилмайди. Бундай вазиятда сўз ўйини ечимини изловчи

шахс фақат ўзи билган нарсаларга хос белгиларни эслаб, ечимни топади.

Хуллас, сўз ўйини турли стилистик приёмга асосланганлиги, таъсирчан ва қизиқарли эканлиги, ўзининг контекстуал жиҳатлари билан турли сатҳларга дахлдор нутқ кўриниши сифатида нутқнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Бу эса ушбу нутқ турини махсус ўрганишни тақозо этади.

Адабиётлар:

1. <http://www.bbc.com> UzWebiston: Ўзбек ёзувчиси “Т” ҳарфини ишлатиб тўртта роман ёзди.
2. Jamolxonov N. Hozirgi o'zbek adabiy tili. –Т.: Talqin, 2005.
3. Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. – Т.: Фан, 1986.
4. Қосимов Б., Хўжамбердиев Ё. Навоий ва муаммо жанри //Ўзбек тили ва адабиёти. – 1977. – №1.
5. Нурмонов А. Сўз мулкига сайр. “Шарқ юлдузи” журнали. – Тошкент, 2014 йил, 6-сон.
6. Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Шарқ, 2002.
7. Раззоқов Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор (Фарғона материаллари асосида). – Т.: Фан, 1965.
8. Улуғбоев И. Қилни қирқ ёриб. –Т.: Адолат, 2006.
9. Ҳожиаҳмедов А. Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: Шарқ, 1998.
10. Воҳидов Э. Сўз – забаржад, сўз – гавҳар, олтин. Асарлар. IV жилд. – Т.: Шарқ, 2016.
11. Khayitbaevich, D. K. (2016). About the Art of Askiya. Anglisticum Journal (AJ), 5(12).
12. Дусматов Х.Х. Об узбекском искусстве игры слов // Путь науки. 2017. № 3 (37).
13. Dosmatov N. [ABOUT SOME FEATURES OF UZBEK JOKES](#) - Конференции, 2020 - journals.e-science.uz

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор).